

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДҚОДИРОВА ДИЛФУЗАХОН САИДҚОДИРОВА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ИНТЕРНЕТ ТЕРМИНЛАРИНИНГ
ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира
тилшунослик ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент — 2018

УДК: 811.111'373.46:004.738.5.
811.512.133'373.46:004.738.5

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Саидкодирова Дилфузахон Саидкодировна

Инглиз ва ўзбек тилларида интернет терминларининг лингвистик

тадқиқи.....3

Саидкадирова Дилфузахон Саидкадировна

Лингвистическое исследование интернет терминов английского

и узбекского языков.....25

Saidkadirova Dilfuzakhon Saidkadirovna

Linguistic research of internet terminology in English

and Uzbek Languages47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДҚОДИРОВА ДИЛФУЗАХОН САИДҚОДИРОВА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ИНТЕРНЕТ ТЕРМИНЛАРИНИНГ
ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира
тилшунослик ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент — 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Fil82 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tashgiv.uz ҳамда «ZiyoNet» Ахборот – таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Тешабаева Дилфуза Муминовна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Сиддиқова Ирода Абдузухуровна
филология фанлари доктори, профессор

Кадирбекова Дурдона Хикматуллаевна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

Етакчи ташкилот:

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2018 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

Диссертация билан билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25. Тел: (99871) 233-45-21;

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.П. Содиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., профессор

Г.Х. Боқиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда янги технологиялар кун сайин ривожланиб, ахборотлаштириш жараёни тез суръатлар билан ўсиб бораётганлиги турли тилларда мулоқотга киришувчи мутахассислар ўртасида кенг миқёсда маълумот алмашилиш эҳтиёжини юзага келтиради. Терминологиянинг ривожланиши, шубҳасиз, билимларнинг у ёки бу соҳа тараққиётини акс эттиради. Янги терминлар асосий луғат фонди асосида ва умумхалқ тилининг луғат таркиби асосида пайдо бўлади.

Дунёда интернет тармоқлари ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ажралмас ва зарурий воситаси сифатида борган сари ҳаётнинг барча йўналишларида кенг ва мустақкам ўрин эгалламоқда. Интернет – илмий билимларнинг энг жадал ривожланаётган соҳаларидан бири ҳисобланиб, унинг терминологияси доимий ривожланишда бўлиб турибди ва катта тезликда янги терминлар билан бойитилляпти. Россия, АҚШ, Италия, Буюк Британия, Германия, Япония, Малайзия каби давлатларда интернет терминологияси ва терминографиясини такомиллаштириш, интернет соҳасига кириб келаётган янги тушунчаларни яратилишини назоратга олиш, шакллантириш ва функционал хусусиятларини тадқиқи алоҳида аҳамиятга молик.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланишига, хусусан, интернетдан фойдаланувчилар сонининг кескин ошаётганлиги интернетнинг кенг тарқалишида муҳим омил бўлаётир. Интернет тармоғи миллий сегментининг янада шакллантирилишини таъминлаш, «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, мамлакатимизда турли йўналишлардаги замонавий миллий веб-сайтларини, шу жумладан, аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг ахборотга бўлган ва интеллектуал талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида ахборот ресурсларини ривожлантириш учун зарур техник ва қулай шарт-шароитларни яратиш ҳозирги куннинг ўта муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Бизнинг замонамизда интернет ҳаётнинг барча соҳаларига чуқур кириб келди. Шунинг учун бугунги давр одами, айниқса, ёшлар ўз ҳаётини интернетсиз тасаввур қилиши қийин»¹. Инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида Интернет терминологиясининг чоғиштирма таҳлилинини амалга ошириш, улар ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатларни белгилаш, инглиз тилидан ўзбек тилига интернет терминларини ўзлашиш қонуниятлари моделларини аниқлаш долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан учрашувдаги нутқидан. www.gazeta.uz>2017.7.2>nutq

ташқил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инглиз ва ўзбек тилшуносликларида терминлар ва уларнинг шаклланиши, лингвистик хусусиятларига бағишланган ишлар М.В.Бейкер, С.И.Ландау, Н.С.Даш, Д.С.Лотте, В.В.Виноградов, А.А.Реформатский, Л.С.Бархударов, В.Н.Даниленко, В.М.Лейчик, С.В.Гринев, В.А.Ступин, А.Ҳожиев, С.Усмонов, Р.Дониёров, Н.Қосимов, Х.Дадабоев, Х.Палуанова, О.Ахмедов, А.Мадвалиев² каби олимларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Жаҳон тилшунослигида интернет терминларини тадқиқ этишга бағишланган айрим илмий ишлар амалга оширилган. Жумладан, М.С. Измайлова ўз тадқиқотида немис тилидаги интернет терминларининг шаклланиши масаласини ўрганган бўлса, А.Г. Ходакова инглиз тилидаги

² Felber H. Terminology Manual. – Paris: Presses universitaires de France, 1984. – 426 p.; Rey A. La Terminologie: Noms et notions. – Paris: Presses universitaires de France, 1979. – 127 p.; Лотте Д.С. Очередные задачи технической терминологии. Т. 1. – Москва: Московский Лицей, 1994. – 407 с.; Виноградов В.В. Лексикология и лексикография. – М.: Наука, 1977. – 310 с.; Реформатский А.А. Что такое термин и терминология. – М., 1961. – 536 с.; Даниленко В.П. Лингвистические требования к стандартизируемой терминологии. – М.: Наука, 1972. – С. 5 – 32; Лейчик В.М. Терминоведение: Предмет, методы, структура. – М.: КомКнига, 2006. – 256 с.; Гринев С.В. Введение в терминографию. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: МПУ, 1995. – 161 с.; Герд А.С. Основы научно-технической лексикографии: (как работать над терминологическим словарем). – Л., 1968. – 4-38, 69 с.; Picht H. Modern approaches to Terminological Theories and Applications. – Peter Lang. 2006. – 434 p.; Picht H. Reflexions on Training in Terminology in the 1980s. In Nedobity, Wolfgang (ed.) Terminologies for the Eighties (Infoterm series 7). – Munich: K.G. Saur, – P. 172 – 185; Nida Eu., Taber Ch. The Theory and Practice of Translation. 1982, 218 p.; Juan C.Sager. Practical course in Terminology Processing / UMIST –1990; Nida Eu., Taber Ch. The Theory and Practice of Translation. 1982, 218p.; Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. Филол.фан.док. ...диссер. –Тошкент, 1988. – Б. 346; Усмонов А.Н. Ўзбек тилида термин ясовчи фаол аффикслар. – Т., 1991; Қосимов Н. Функциональные особенности аффиксов в узбекской технической терминологии. Автореф. диссер. ...канд. филол. наук. – Т., 1979; Ҳожиев А. Термин танлаш мезонлари. – Т.: Фан, 1996. – Б. 23 – 25; Палуанова Х.Д. Инглиз, ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида экологик терминларнинг деривацион-семантик принциплари. Филол.фан.док. ...диссер. автореф. –Тошкент, 2016.; Ахмедов. О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари. Филол.фан.док. ... диссер. автореф. – Т, 2016.; Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. –Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2017. – Б. 382.

интернет терминларининг семантик тизимини таҳлил этган³. Ўзбек тилшунослигида мазкур соҳа доирасида Д. Кадирбекова томонидан инглиз ва ўзбек тилларидаги ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ҳамда унинг лексикографик хусусиятларини тадқиқ қилганлигини эътироф этиш мумкин⁴. Бироқ инглиз ва ўзбек тилларидаги интернет терминларини чоғиштириб таҳлил этишга доир махсус монографик иш бажарилган эмас. Бинобарин, инглиз тилидаги интернет терминларини ўзбек тилига ўзлашган муқобиллари билан чоғиштириш, уларнинг тузилиши ва лексик-семантик хусусиятлари ўртасидаги муштараклик ва фарқли томонларини аниқлаш, ўзбек тилига инглиз тилидаги интернет терминларининг ўзлаштириши тамойилларини белгилаш каби масалалар ўз ечимини топмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг «Тилшуносликнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари, илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-2015-1-22 «Хорижий тиллар бўйича мультимедиа ахборот технологиялар базасини такомиллаштиришга оид дастур ва ўқув-услубий материаллар яратиш ва нашр этиш» билан боғлиқ равишда олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларидаги интернет терминларининг чоғиштирма тадқиқини амалга ошириш, ўзбек тилига интернет терминларининг ўзлаштирилиши хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

интернет терминларининг инглиз ва ўзбек тиллари лексик системасидаги тутган ўрнини тавсифлаш;

чоғиштирилаётган тиллардаги интернет терминларининг структур типларини белгилаш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги интернет терминларининг семантик хусусиятларини ўрганиш;

инглиз тилидан ўзбек тилига интернет терминларининг ўзлаштирилиши усулларини аниқлаш;

интернет терминларининг номинатив хусусиятларини ёритиш;

интернет терминларининг ясалишида метафоризация ҳодисасини илмий асослаш;

икки тиллик интернет терминлари луғатини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги интернет терминлари танланган.

³ Ходакова А.Г. Системная семантика термина на материале англоязычных терминов Интернета. Автореф. диссер. ... канд. филол. наук. – Белгород, 2010; Измайлова М.С. Актуальные проблемы развития и функционирования терминологии Интернет в немецком языке. Автореф. диссер. ... канд. филол. наук. – Омск, 2005.

⁴ Кадирбекова Д. Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари. Фил.фан. бўйича фалсаф.док.дисс. ...автореф. – Тошкент, 2017.

Тадқиқотнинг предметини инглиз ва ўзбек тилларидаги интернет терминларининг тузилиши, таркиби, лексик-семантик ва номинатив хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида анализ, синтез, тавсифий, қиёсий-типологик, компонент таҳлил, лингвостатистик методлар каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

инглиз ва ўзбек тилларидаги интернет терминларининг структуравий тузилиши, лексик-семантик, деривацион хусусиятлари, ўзбек тилидаги интернет терминологиясининг шаклланишида ўзлашма қатламнинг (морфологик, лексик, синтактик, транслитерация, фразеологик) ўрни асосланган;

аббревиатураларнинг гуруҳлари, тармоқ номлари, интернет тизимлари номлари, ташкилотлари, уюшмалари, марказлари, хизмат турлари, доменлар, дастурлар, баённомалар, серверлар, қурилмалар, боғланма ва элементлар номлари таснифланган, терминларнинг структуравий таҳлилига кўра олти хил турдаги, яъни бош ҳарфлардан тузилган қисқартмалар, қисман қисқартмалар, клиппинг, сон ва белгили қисқартмалар, элипсис, блендинг усулида ясалган терминлар аниқланган;

виртуал муҳитда анонимлик, гиперматнлилик каби виртуал белгилар терминларни ясашида асосий манба бўлиб хизмат қилиши, интернет терминларининг қайта номинациялаш янги тушунчаларни пайдо бўлиши учун асос бўлиб хизмат қилиши асосланган;

интернет терминларининг ясашида метафора глобал тармоқ доирасида салбий ва ижобий ҳодисани англатувчи термин метафоралар мавжудлиги ва метонимик кўчишнинг моделлари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

чет тилини ўрганишда интернет терминларнинг лингвистик хусусиятларини ривожлантириш ва чоғиштирма атамашунослик тамойилларини такомиллаштириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

интернет терминлари бўйича таҳлил қилинган материаллар асосида мутахассислар ва талабалар учун «Инглизча – ўзбекча интернет терминлари» луғати яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ҳамда илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, тадқиқот хулосалари, таклиф ҳамда тавсияларининг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, хулосаларда баён этилганлиги, хулосалар самарадорлигининг методлар воситасида асослангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижаларнинг интернет

терминларининг тил лексик фондидаги ўрни, лексикология, таржимашунослик соҳаларининг тадқиқот кўламини бойитгани ҳамда бошқа терминологик тизимларнинг лингвистик хусусиятларини ёритишда манба сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосаларнинг соҳавий терминшунослик ва луғатшунослик ҳамда халқаро маълумот алмашинуви тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилгани, олий ўқув юртларида луғатлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратиш, турли методик тавсияномалар тузиш ҳамда мутахассислар тайёрлашда аҳамиятлилиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларида интернет терминларининг шаклланиши, деривацион ва лексикографик хусусиятларини очиб бериш бўйича олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

тилшунослик ва интернет соҳасининг интеграциялашуви натижасида ишлаб чиқилган амалий таклифлардан ОТ-Ф8-062 «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» номли фундаментал илмий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 89-03-1215-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши луғатшунослик фаолиятида, дарсликлар ва электрон ресурслар тайёрлашда манба бўлиб хизмат қилган;

лексикография соҳаси бўйича олинган тадқиқот ишининг илмий-амалий хулосалари интернет тармоғи соҳасида терминшунослик тизимини такомиллаштириш бўйича татбиқ этилган ва корхона бўлимлари фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2018 йилнинг 13 июлдаги 25-8/5167-сон маълумотномаси). Натижада таржимонликка ихтисослаштирилган корхоналарни жалб қилишга сарфланадиган харажатларни кескин қисқартиришга ва интернет тармоғи мутахассисларининг чет тилини бевосита билиш орқали ишлаб чиқариш фаолиятини юқори даражада оширишга ижобий таъсир кўрсатган;

тадқиқот натижасида яратилган «Инглизча-ўзбекча интернет терминлари луғати»дан Республика телерадиомарказида соҳага оид норматив ҳужжатларни ўрганиш ҳамда техник йўриқномаларни тузишда фойдаланилган (ЎзМТРКнинг 2018 йил 16 мартдаги 01-153/567-сон далолатномаси). Натижада муомалага киритилган интернет терминлари луғати амалиётда қўлланилган, интернет тармоғига оид норматив ҳужжатларни ўрганиш, техник йўриқномаларни тузиш, хорижий ҳамкор ташкилотлар билан турли меморандум, битим, шартномалар, далолатномалар, баённома ва бошқа расмий ҳужжатларни расмийлаштиришда асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот 5 та, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссерта циянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий ва амалий аҳамияти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижалар асосида тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Интернет терминологиясининг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида жаҳон тилшунослигида терминология ва терминга назарий-илмий ёндашув, интернет терминларининг хусусиятлари ва унга қўйиладиган талаблар ва интернет терминологиясининг таркибий қисмлари ва мавзуй гуруҳлари сингари масалалари ҳақида назарий фикр ва мулоҳазалар ёритилган.

Фан ва техника, ишлаб чиқаришнинг жадал суръатлар билан ривожланаётганлиги, жаҳон мамлакатларида рўй бераётган глобализация ва интеграция жараёнлари дунё тилларининг ўзаро интенсив алоқадор эканлиги тилларнинг сўз бойлиги ортишига замин яратади. Ўзбек тилидаги интернет терминларини тадқиқ қилиш, луғатлар тузиш ва маълум даражада тартибга солишда жаҳон тилшунослигида тўпланган бой тажрибалардан самарали фойдаланиш ҳам яхши натижа беради. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек тили интернет терминологиясини инглиз тилидаги муқобиллари билан чоғиштирма аспектда тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Интернет терминларининг назарий асосларини белгилаш, унинг ўзига хос шаклланиш тамойилларини ёритишдан аввал термин ҳамда терминология назарияси соҳасида амалга оширилган тадқиқотларни ўрганиш, мазкур тушунчаларни таърифлаш ва тавсифлаш бўйича ёндашувларга диққатни қаратишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Зеро, терминологик бирликларнинг аксарият қисми экстралингвистик омиллар

асосида вужудга келиши ҳақида аксиома мавжуддир. В.П. Даниленконинг эътирофига кўра: «Жамиятда юз берадиган ҳар қандай жараённинг акси даставвал терминологияда ўз ифодасини топади ёхуд муайян терминларнинг трансформацион ўзгариши натижасида намоён бўлади»⁵.

Терминология кенг маънода лексиканинг бир қатлами бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида фан, техника ва бошқа соҳаларда қўлланиладиган терминларнинг мажмуидир. Терминология тор маънода фан ёки техника, ишлаб чиқаришнинг маълум бир соҳасига оид терминлар тизимининг йиғиндисини ташкил этади. Ҳар бир фан, техникага оид бўлган терминлар бирлаштирилиб, терминология деб аталади⁶.

Термин – махсус тушунчани ифодалашда номланиши жиҳатидан сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, асосан илмий тушунчаларни аниқ ифодалашга қаратилган.

Тадқиқотларда термин ва сўзнинг ўзаро муносабати масаласи ёритилган. Х.Дадабоевнинг таъкидлашича, ҳозирги ўзбек тили муайян терминологик тизимининг бойиши, тўлдирилиши ва такомиллашишининг бош манбаси, бошқа тилларда кечаётганидек, шубҳасиз, ўз луғат бойлиги эканлиги айти ҳақиқатдир⁷.

Интернет мураккаб социотехник тизим бўлиб, узлуксиз ишлаб, доимий равишда ўзгариб туради. Тизимли ёндашувга кўра бу қадар мураккаб объектни тегишлича таърифлаш учун уни янада кенгроқ тизим доирасида кўриб чиқиш керак ва парадигмал оператор ёки тадқиқот парадигмасининг функционал имкониятларини кенгайтириш лозим, шу мақсадда бошқа фанлардан қўшимча ахборотларни жалб этиш лозим⁸. Шуни таъкидлашимиз керакки, бунда ҳар бир фан ўзининг ички тузилиши ва асосий постулатларини сақлаб қолиши керак.

Д.Кадирбекова ахборот-коммуникация терминлари умумий тушунчани англатиб, битта ёки бир нечта сўздан иборат бўлади ва махсус тушунчани англатади, дея таъкидлайди. Тузилишига кўра бир ўзакдан иборат бўлган термин содда, икки ёки ундан ортиқ ўзакдан таркиб топса, мураккаб термин ҳисобланади. Термин соҳа мутахассислари томонидан яратилар ва қўлланилар экан, яратилган янги термин тушунчани англатади ва неологизм саналиб, неотермин, дейилади⁹.

⁵ Даниленко В.П. Об основных лингвистических требованиях к стандартизируемым терминам // Семиотические проблемы языков науки, терминологии и информатики. – М.: МГУ, 1971. – С.9.

⁶ Палуанова Х.Д. Инглиз, ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида экологик терминларнинг деривацион-семантик принциплари. Филол.фан. доктори. ...диссер.автореф. – Тошкент, 2016. – Б.25.

⁷ Дадабоев Х. Ҳозирги ўзбек тили қурилишида ўзбек тилининг ўрни// Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент, 2015. – Б. 24 – 31.

⁸ Буданов Г. В. Делокализация как обретение смысла, к опыту междисциплинарных технологий // Онтология и эпистемология синергетики. – М.: Ифран, 1997.

⁹ Кадирбекова Д. Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари. Филол.фан.ном...диссер. ...автореф. – Тошкент, 2017.

Рус олимаси А.Г. Ходакова: «...интернет терминологиясини ядро, информатика ва ҳисоблаш техникаси тил ости тилининг энг муҳим, ахборий, кодификацияланган қисми сифатида тушуниш керак» – дея таъкидлайди.¹⁰

Терминларнинг лексик узунлиги ўртача ва максимал деб белгиланиши мумкин. Кейинги мезон Интернетнинг инглиз терминологиясида еттита лексик бирликкача бўлиши мумкин: *Internet Corporation for Assigned Names and Numbers, Internet Information Server Standard Log File Format, What You See Is What You Get — editing software*.

Интернет – илмий билимларнинг энг жадал ривожланаётган соҳаларидан бири бўлиб, унинг терминологияси доимий ривожланишда бўлиб турибди ва жуда катта тезликда янги терминлар билан бойитиляпти.

Интернет терминларининг хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин: а) номловчи вазифа. Интернет терминлар соҳага оид бўлган тушунчалар, мосламалар, интернет билан боғлиқ бўлган барчалар жараёнларни номлашга хизмат қилади: *cable local-area network – кабелли маҳаллий тармоқ; card with magnetic strip – магнит йўлли карта;* б) тасвирловчи вазифа: кўп компонентли номинатив сўз бирикмаси, тушунчани номлаш учун ишлатилади ва унинг моҳиятини анча аниқ тасвирлаш имконини беради, бироқ қисқалик талабига жавоб бермайди, масалан, *Carrier Sense Multiple Access with Collision Detection (CSMA/CD) – кўпчилик томонидан эркин фойдаланиш; character based information system – ахборотнинг нишонли тизими; classification of information and its bearers as secret- маълумотлар ва уларни ташувчиларни махфийлаштириши; Code Division Multiple Access – кодли ажратишли кўпчилик томонидан эркин фойдаланиш* ва ҳ.к. в) дефинитив вазифа, фанга оид тушунчалар мазмунини аниқлаштиришга хизмат қилади, масалан: *dual-homed gateway – Икки уйли илгуз; e-development – АКТ ёрдамида тараққиёт; e-signature certificate user – имзо калити сертификати фойдаланувчиси; full-text database – тўла матнли маълумотлар базаси* ва ҳ.к.

Интернет терминининг мазмунига одатда қуйидаги талаб қўйилади:

Термин семантикасининг зиддиятсизлиги. Лексик ва терминологик маънолар ўзаро ҳар хил нисбатларга киришиши мумкин, бунда тўлиқ мутаносиблик, қисман номутаносиблик ва ҳ.к. кузатиш мумкин (масалан, **Address** – манзил бу интернет термини ҳисоблаш тармоқларида – узатилаётган маълумотларни олувчи ёки жўнатувчиларни аниқловчи битлар кетма-кетлигини билдиради, **Agent** – агент термини эса мижоз-сервер моделидаги ахборотни тайёрлаш ва уни мижоз ва сервер қисми орасида алмашишни бажарувчи тизим қисми сифатида қўлланилади.

Прагматик (функционал) талаблар: а) жорий этилганлик; умумқабул қилинганлик, ишлатилиши; б) байналмилаллик; в) замонавийлик; г) оҳангдорлик.¹¹

¹⁰ Ходакова А.Г. Системная семантика термина (на материале англоязычных терминов интернета). автореф.диссер. ... кан. филол.наук. –Тула, 2010. – С.13.

Интернет терминларининг ишлатилишига хос хусусиятлар билан асосланган прагматик талаблар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: жорий этилганлиги; замонавийлиги; жарангдорлиги ва ҳ.к. Терминнинг мутахассислар, илмий жамоатчилик томонидан ва умумқабул қилинганлиги ёки унинг кенг ишлатилиши билан тавсифланади. Ёзма нутқда терминнинг ишлатилиш даражаси унинг матнларда учрашини ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва такрорланиш даражаси билан тавсифланади, масалан, *тармоқ, станция, локал тармоқ, (LAN), минтақавий тармоқ (MAN), глобал тармоқ (WAN), марказлаштирилган, иқтисодлаштирилган;* илмий тадқиқотларнинг байналмилаллашувининг ортиши, илмий ва техник ахборот алмашинуви ҳажмларининг бойиши муносабати билан мутахассисларнинг халқаро мулоқоти эҳтиёжларининг ортиши *байналмилалликнинг*, яъни бир нечта (учдан кам бўлмаган) миллий тилларда ишлатиладиган терминларнинг бир хиллиги ёки шаклан яқинлиги ва мазмунан муштарақлигининг нуфузи ўсишида акс этади: *локал тармоқлар (LAN Local Area Network); минтақавий тармоқлар (MAN Metropolitan Area Network); глобал тармоқлар (WAN Wide Area Network)* ва ҳ.к.; терминнинг замонавийлик талаби истъмождан эскираётган терминларнинг сиқиб чиқарилиши, уларнинг замонавий терминлар билан алмаштирилиши орқали амалга оширилади (масалан, *Intel, Pentium, card with magnetic strip - cartographical database*); терминнинг жарангдорлиги. Терминларни талаффуз қилиш қулай бўлиши учун улар орфоэпик жиҳатдан ёқимли жаранглаши керак: *Real player, Quick player, Cosmo player, Media player* ва ҳ.к. Бундан ташқари, термин тор истъмол доирасидан ташқарида ноҳуш ассоциацияларга сабаб бўлмаслиги керак, бу қуйидаги терминлар жуфтликларини таққослашдан яхши кўриниб турибди: *computer-prone – компьютеромания; cryptology – криптология; cryptosystem – кримтоизим; firewall – брандмауер.*

Интернет терминларининг мавзувий гуруҳларини таснифлашдан аввал тушунчани таърифлаш талаб этилади.

Анъанавий шаклланган тушунчага кўра, *мавзувий гуруҳлар* – бу лексик бирликларнинг муайян мавзудаги мулоқотда ишлатиладиган бирлашмаларидир. Мавзувий гуруҳ интеграциялашувининг асоси бўлиб ушбу гуруҳни ташкил этган сўз белгиларининг денотатлари бўлган реал дунё предметларининг алоқалари хизмат қилади¹².

Диссертациянинг «**Инглиз ва ўзбек тилларидаги интернет терминларининг структур хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида

¹¹Қаранг: Даниленко В.П. Язык для специальных целей. – М., 1996. Канделаки Т.Л. Основные группировки терминологических единиц упорядоченных терминологий // Вопросы языкознания. – М.: Наука, 1987. – №6. – С. 84-89. Канделаки Т.Л. Семантика и мотивированность терминов. – М.: Наука, 1977. – С. 167; Блинова, О. И. Термин и его мотивированность // Терминология и культура речи. М.: Наука, 1981. – С. 28-37; Филатова, А. С. Тематические группы русского языка в мотивационно-сопоставительном аспекте: автореф. диссер. ... канд. филол. наук. – Томск, 2004.

¹²Герд А.С. Еще раз о значении термина // Лингвистические аспекты терминологии. Воронеж, 1980.

ўзлашмалар, ўзбек интернет терминологиясининг бойиши, содда ва кўшма интернет терминларининг таҳлили амалга оширилган.

Тилнинг луғавий таркиби бойиб, ривожланиб боришида икки асосий манба муҳим роль ўйнайди. Булар тилнинг ўз ички қонуниятлари, имкониятлари асосида янги сўзлар ясаш ҳамда ўзга тиллардан сўз ўзлаштиришдир. Х.Дадабоев ўзбек терминологиясининг ўз бойликлари ҳисобига тараққий этиши ҳам ушбу икки йўл билан воқеланиши ҳақида фикр юритиб, тилда мавжудлиги, тайёр сўзлардан янги нарса-предмет ва янги тушунчаларни ифодалашда фойдаланиш ва ўзбек адабий тилидаги сўз ясаш имкониятлари иштирокида янги терминлар яратиш муҳимлиги ҳақида тўхталган¹³.

Рус тилидан ўзлашган туб интернет терминларига қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: *anchor* – якор; *array* – массив; *backbone* – магистрал; *gateway* – шлюз; *font* – шрифт ва ҳ.к. Рус тили орқали кириб келган ўзлашма терминлар 31%ни ташкил этади.

Инглиз тилидан айнан ўзлашган байналмилал интернет терминларига қуйидаги сўзларни киритишимиз мумкин: *overlay* – оверлей; *packet* – пакет; *raging* – пейджинг; *patch* – тракт; *petabyte* – петабайт; *ring* – пинг; *pixel* – пиксел; *plugin* – плагин; *raster* – растр; *гигабайт*; *гигабит*; *интерфейс*; *мегабайт*; *терабайт*; *эхабайт*; *зеттабайт*; *ёттабайт* ва ҳ.к. Уларнинг кўрсаткичи 23% ни ташкил этади.

Ўзлашма интернет терминларини морфемик таҳлил қилиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, ўзбек тили интернет терминологиясида префикслар билан бир қаторда суффикслар ҳам фаол қўлланилади. Бу префикслар ва суффикслар ўзакка кўшимча маъно юклайди ва ўзак билан биргаликда янги термин ясайди. Шунини алоҳида қайд қилиш керакки, ўзлашган суффикслар ва бошқа тилга хос суффикслар тушунчаси бири-бирдан фарқланади, чунки уларнинг ҳажми бир хил эмас. Интернет терминларининг ўзбек тилига кириб келишида ўзлашган ҳар қандай префикс ва суффикс ўз табиатига кўра бошқа тилга хос, лекин бошқа тил префикси ва суффикси муайян даврда мавжуд бўлса ва ўзлашган тилда сўздан ажралиб, морфологик элемент деб қаралсагина, ўзлашган ҳисобланади. Масалан, қуйидаги мисолларда суффикслар орқали ясалган терминларнинг ўзбек тилига тўлиқ ўзлашиши кузатилади: *дистрибутив* - *дистрибут* + *-ив*, *портатив* - *портат* + *-ив*, *кибердетектив* - *кибердетект* + *-ив*, *радиоактив* - *радио* + *-акт* + *-ив*, *мультипликатив* - *мультипликат* + *-ив*, *аддитив* - *аддит* + *-ив*, *аудиовизуал примитив* - *примит* + *-ив*, *корпоратив* - *корпорат* + *-ив* ва ҳ.к.

Интернет терминлари доирасида рус тилидан ўзлашган – *ция* суффикси ҳаракат, жараён тушунчасини англатувчи терминлар ясайди. Масалан: *идентифика* + *-ция*; *шахсий идентифика* + *-ция*; *аутентифика* + *-ция*; *маълумотлар аутентифика* + *-цияси*; *опера* + *-циялар кетма-кетлиги*;

¹³ Дадабаев Х.А. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Ташкент: Ёзувчи, 1991.

анима + -ция; генера + -ция; сигнал модуля + -цияси; ретрансля + -ция (уяли қайта узатиш); коммуника + -ция ва ҳ.к.

-ция суффикси интернет хизматлари ёки ташкилотларини англатувчи терминларларда ҳам учрайди: *Andrew корпора+цияси; Apple Computer корпора+цияси, Banyan Systems корпора+цияси* ва ҳ.к.

Ўзбек тилидаги интернет терминологиясида ўзлашма префикс билан ясалган терминларнинг кўп миқдорда қўлланилишини кузатилди: *гипер, кибер, био, гео, микро, мета* ва ҳ.к.

Инглиз тилидаги интернет терминларининг маълум бир қисми кўшма сўз шаклида бўлиб, уларнинг аксариятини «от+от» шаклидаги кўшма интернет терминларини ташкил этади: *broadcast; keyword; keyshelf; keycap; fieldbus; datagram; chatbot; chatterbot; cardbus; backbone; checkpoint; bookmarks; checksum; background; chipset* ва ҳ.к.

Инглиз тилидаги кўшма шаклдаги интернет терминларининг таҳлилидан аён бўлдики, мазкур терминларнинг маълум бир гуруҳи дастлаб умумистеъмолдаги лексикада ёки бошқа соҳа терминологиясида шаклланган бўлиб, маъно кўчиши натижасида интернет терминлари қаторидан ўрин олган: *Checkpoint, Checksum, Callback, Databank* ва ҳ.к. *Databank* термини *data* – маълумотлар ва *bank* – банк отларининг бирикишидан ясалган бўлиб, «маълумотлар банки» тушунчасини ифодалайди.

Масалан, интернет соҳасида ўзбек тилига «магистрал» шаклида ўгирилган *backbone* термини *back* – орқа ва *bone* – суяк, скелет сўзларининг кўшилишидан ясалган бўлиб, «умуртқа суяги» маънони билдиради.

Инглиз тилидаги кўшма шаклдаги интернет терминлари ўзбек тилига сўз бирикмаси шаклида ўзлашиши кузатилди: *accessware* – *кириш дастурлари; charityware* – *хайрия дастурлари, shareware* – *улашиш дастурлари* ва ҳ.к.

Бирикма терминлар масаласи доимо терминологиянинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келган. Бунинг сабаби эса илмий ва техникавий терминологияда бирикма терминларнинг салмоғи бошқа турдаги терминлардан анча кўп эканлиги билан изоҳланади. Ривожланган терминологик тизимларда бир сўзли ва икки сўзли терминлар нисбатан фаол учраши, кўп сўзли терминларнинг эса камроқ учраши кузатилади. Бироқ интернет терминологиясида икки ва ундан ортиқ компонентдан тузилган, сўз бирикмалари шаклидаги терминлар чоғиштирилаётган тиллардан тўпланган материалларнинг энг катта қисмини ташкил этади: Икки компонентли терминлар: инг.т.: *acoustic alarm; acoustic coupler; basic number; current address; current directory; current drive; current feed; decimal digit; electronic commerce; formal description; formal logic; formal parameter; internal font; internal interrupt* ва ҳ.к. ўзб.т.: *ижтимоий информатика; ахборот махфийлиги; информатика объекти; маълумотлар ўзгариши; саҳифа элементлари; саҳифа тили; кодлаш усули; корпоратив сайт* ва ҳ.к. Уч компонентли терминлар: инг.т.: *global computer network; group of signalling links; hardware of automated system; information access rules* ва ҳ.к.

Ўзб.т.:глобал компьютер тармоғи; интернет хизмати турлари; ранг ва ўлчов бирликлари ва ҳ.к. Тўрт сўздан ташкил топган терминлар: *insurance form of information protection* – ахборот муҳофазасининг суғурта шакли, *Integrated Services Digital Network* – хизматлари бирлашган рақамли тармоқ, *interactive television operating system* – ўзаро фаол телекўрсатувлар операцион тизими (амалий тизими).

Инглиз ва ўзбек тилларидаги сўз бирикмаси шаклидаги интернет терминларининг чоғиштирма таҳлилидан уларнинг қуйидаги таркибда шаклланганлигини кўрсатди: инглиз тилидаги интернет термин-бирикмаси ўзбек тилига тўлиқ калькалаш орқали ўзлаштирилган. Бунда сўз бирикмасининг ҳар бир компоненти учун ўзбекча муқобили қўлланган.

Икки компонентли интернет терминлар ясалишида «от +от» таркибли *key system* термини икки сўздан ташкил топган бирикма-термин бўлиб, ўзбек тилига тўлиқ калькалаш усули орқали «калит тизими» шаклида ўтган; *mail address* термини ҳам икки отдан иборат бўлган сўз бирикмаси бўлиб, ўзбек тилига «почта манзили» шаклида ўзлашган. Интернет соҳасида мазкур термин «фойдаланувчи почта қутисининг айнанлаштирувчиси» бўлиб, @ белгиси билан ажратилган фойдаланувчи исми ва почта серверининг домен номидан иборат бўлади. Масалан: *adm@company.com*, *info@ddi.uz*. Почта манзилини олиш учун глобал тармоқ почта серверида рўйхатдан ўтиши лозим.

«Сифатдош + от» таркибли интернет терминлари: *closed channel* сўз бирикмаси сўзма-сўз таржимада «ёпилган канал» деб таржима қилинади. Бироқ ўзбек тилида бу ҳолда сифатлаш учун сифатга мурожаат қилинган ва мазкур атама *ёпиқ канал* шаклида таржима қилинган; *macro language* термини «глобал тармоқ тизимида жами ҳаракатлар содир этишга имкон берувчи тил» мазмунига эга бўлиб, ўзбек тилига ярим калька усули билан ўзлашган. Макро тил тушунчаси исталган ахборотни топиш ва унга ишлов бериш ҳамда тизимга ахборотнинг янги турларини киритиш имкониятига эга тилни ифодалайди.

Икки компонентли интернет терминларининг катта бир қисми of предлоги орқали шакллантирилади: *minimum of privilege* – энг кам имтиёзлар термини интернет терминологиясида «муҳофаза тизимини ташкиллаштиришнинг асосий тамойилларидан бири» бўлиб, унга кўра, ҳар бир субъект ўз олдида қўйилган вазифаларни бажариш учун мумкин бўлган энг кам имтиёзларга эга бўлиши лозим.

Икки компонентли ўзлашма интернет терминлар бир компонентининг инглиз тилида берилган ҳолатлари кузатилди: *Vanyan тармоғи*, *Internet тармоғи*, *Internet этикети*, *Internet инфратузилмаси*, *Ethernet стандарти*, *Internet реклама*, *Internet банки*, *Internet трейдинг*, *Internet футурологияси*, *Internet провайдери*, *Ethernet технологияси* .

Икки компонентли терминларнинг биринчи компоненти қисқартма терминлардан ташкил топган бўлиши мумкин: *DNS сервери*, *BGP*

баённомаси, NSFNET тармоғи, ISDN стандарти, BRI интерфейси, CASE-тизими.

Уч компонентли интернет терминларининг чоғиштирма таҳлилидан уларнинг қуйидаги таркибда шаклланиши аниқланди: «от + от + от» таркибли; «сифат + от + от» таркибли; сифат + сифат + от» таркибли; «сифатдош + от + от» таркибли интернет терминлари.

Интернетда кўплаб почта қутилари орқали кириладиган бепул электрон почта хизматини англатувчи терминлар, масалан: *www.mail.ru, www.hotmail.ru, www.mail.uz, www.inbox.uz, www.novell.com. http://www.akadmvd.fan.uz.* ва гиперматнли саҳифаларга киришни ҳавола қилувчи сайтлар *www* (яъни *http* протоколи бўйича) ўзлашган бирикмали терминлар ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида ўрганилган ўзбек тилига ўзлашган интернет терминларининг 68% бирикма терминлар (асосан икки ва ундан ортиқ компонентли содда ва мураккаб бирикма терминлар) ташкил этиши аниқланди. Байналмилал бирикма терминлар ўзбек тилига ярим ва тўлиқ калькаләш усулида ўзлаштирилади. Тадқиқотимизда учраган ярим калькаләш усулида ўзлашган терминлар 23% ни ташкил этади.

Ўзлашма интернет терминларнинг яна бир структур тури ўзига хос структуравий-семантик хусусиятларга эга бўлган жуфт терминлар ҳисобланади. Жуфт интернет терминлари икки мустақил лексик маъно англатувчи компонентнинг тенг боғланишидан ҳосил бўлиб, умумлаштириш, жамлаш маъноларини ифодалайди: *веб-сервер; веб-дизайн; Интернет-пейджер* ва ҳ.к. Улар орасидаги тенглик муносабати ёзувда дефис билан ажратилади ва ягона лексик урғу орқали бир лексема сифатида талаффуз этилишида намоён бўлади: *интернет-реклама; интернет-ресурс; интернет-манзил; сервис-логик; юзер-протокол; факс-сендинг* ва ҳ.к.

Жуфт терминлар семантик жиҳатдан ўзаро боғлиқ ва бир соҳага оид бўлган икки мустақил лексик бирликдан таркиб топади: *Интернет-абонент; кэш-хотира;*

Ўзлашма жуфт интернет терминларининг структуравий таркиби қуйидагича бўлади:

1. Инглиз тили (ёхуд рус тили)дан айнан, адаптация йўли билан қабул қилинган интернет терминлари: *cross-browser – кросс-браузер, cross-platform – кросс-платформа;* сўз ўзлаштираётган тилнинг (яъни ўзбек тилининг) ички қонуниятларига мослаштирилган интернет терминлари: *alpha-testing – алфа-синов* ва ҳ.к.; инглиз тилидан ўзлаштирилган жуфт терминнинг бир компоненти асли ҳолича сақланган, иккинчи компоненти ўзбекча эквиваленти билан алмаштирилган терминлар: *computer-aided system – компьютерлаштирилган тизим, cross-browser – кросс-браузерлик;*

Internet-site – Интернет-сайти.

Инглиз тилидан жуфт терминлар тўлиқ калькаләниши мумкин: *cross-coupling – кесилув-алоқа, inlet-outlet pair – кириш-чиқиш жуфти* ва ҳ.к. Ёки ярим калькаләш усули билан ўзбек тилига ўзлаштирилиши мумкин: *веб-*

саҳифа, кросс-дастур, веб-ҳужжат, веб-анжуман ва ҳ.к. Инглиз ва ўзбек тилларидаги интернет терминларининг аббревиатураларининг энг катта миқдори бирикма-терминларнинг бош ҳарфларидан тузилиши аниқланди.

Инглиз тилшунослигида аббревиатураларнинг умумий кўринишидан ташқари яна икки тури тилга олинади: **акронимлар (acronyms)** ва **инициал аббревиатуралар (initialisms)**. Аббревиатураларнинг бир тури ҳисобланган акронимлар қисқартмалар таркибидаги бош ҳарфлар йиғиндиси бўлиб, мустақил лексема каби талаффуз қилиниши билан ажралиб туради.

Ўзбек тилига ҳам ўзлашган ва оммалашган қисқартма интернет терминлари айнан ўша шаклда талаффуз қилинади. Масалан, инглиз тилидаги *GPS – General Positioning System; HTTP – Hyper Text Transfer Protocol; HDML – Handheld Devices Markup Language; HDSL – High-bit-rate Digital Subscriber Line* каби кўплаб терминлар ўзбек тили учун интернационал инициаллар ҳисобланади.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги интернет терминологияси материаллари бўйича тўпланган аббревиатураларни келиб чиққан манбаларига кўра 3 турга ажратиш мумкин: 1. Ўзлашган қисқартмалар. 2. Кўчирма (калька) қисқартмалар. 3. Автохтон қисқартмалар¹⁴.

Инглиз ва ўзбек тилидаги кўчирма (калька) қисқартмалар миқдор жиҳатдан кўп эмас. Бундай қисқартмалар инглиз тилидаги сўз бирикмаси шаклидаги терминларнинг қисмларини алоҳида таржима қилиш ва ўзлашган тил грамматик қоидалари асосида қайта бириктириш орқали ясалади.

Умуман олганда, инглиз тилида аббревиатура шаклида қўлланадиган интернет терминларининг ўзбек тилига ўзлаштирилишида уларнинг инглизча талаффуздаги қисқартма сифатида қўлланилиши кузатилади, изоҳда эса термин-бирикманинг таржимаси берилади. Масалан, *CSNET – (Computer Science NETWORK) (компьютер илмий тармоғи), NSFNET – (National Science Foundation NETWORK) (миллий фан фонди тармоғи)*.

М.Мирзоевнинг эътирофига кўра, автохтон аббревиатуралар деганда, бошқа тил материаллари асосида шаклланган, ўзлашган тили учун бутунлай бегона фонетик тузилмага эга бўлган, яъни кириб келган тилининг лексик ва синтактик бирликларига мутлақо мутаносиб бўлмаган қисқартмалар тушунилади¹⁵.

Интернет терминологиясида ҳам автохтон терминлар кўп учрайди. Масалан, инглиз тилидаги *VIP* аббревиатураси интернет тарифларида тушунчалари билдиришда қўлланиладиган, ўзбек тилида ўз маъносида ҳам, кўчма маънода ҳам фаол қўлланиладиган сўз бўлиб, аслида «very important person» – «ниҳоятда муҳим шахс» деган мазмундаги бирикмадан келиб

¹⁴ Мирзоева М.М. Аббревиатураларнинг келиб чиқиш манбалари бўйича таснифи масаласида қаранг: Сокращенные слова в русском и таджикском языках. Автореф. ... дисс. канд.филол.наук. – Душанбе, 2006. – Б. 7.

¹⁵ Мирзоева М.М. Сокращенные слова в русском и таджикском языках. Автореф. ... дисс.канд.филол.наук. – Душанбе, 2006. – Б. 9.

чиққан. DOS термини «Disk Operating System» бирикма терминининг қисқартмаси бўлиб, «диск операцион тизими» мазмунини ифода этади.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги инициал аббревиатураларни қуйидаги лексик-семантик гуруҳларга таснифлаш мумкин: 1. Тармоқлар номлари. Таққосланаётган тиллардан тўпланган бундай аббревиатураларнинг сони 378 та бўлиб, умумий қисқартмалар миқдорининг 23,2% ни ташкил этади. 2. Интернет тизимлар номлари. Бу интернет тизимлари 535 та бўлиб, қисқартма терминларнинг 33,5% га тенг келади. 3. Интернет ташкилотлар номлари. Тўпланган материаллардан 128 таси айнан шу номларга тенг бўлиб, фоиздаги улуши 12,8%. 4. Интернет уюшмалари номларининг умумий сони 144 та бўлиб, 13,2% дир. 5. Интернет марказлар номлари 128 та бўлиб, 18,6% ни ташкил қилади. 6. Интернет хизмат турлари номлари 137 та бўлиб, фоиздаги улуши 8,9% га тенг. 7. Доменлар номлари 87 та, 9%. 8. Халқаро электрон почта номлари – 79 та ва 8,9%: **UUCPNET** – Unix-to Unix Copy – халқаро электрон почта ва ҳ.к. 9. Интернет дастурлари номлари миқдори 102та ва фоиздаги улуши - 11%: **UUCP** – узатиш учун қайднома, коммуникация мақсадлари учун файллар тўплами, коммуникацион дастурлар учун эса буйруқлар тўпланидир. 10. Интернет баённомалар номларининг миқдори 97 та, бу қисқартмаларнинг умумий сонидан улуши - 10%: **BACP** – *Bandwidth Allocation Control Protocol* – ўтказиш қобилиятини ажратишнинг бошқариш баённомаси; **BGP** – *Border Gateway Protocol* – *BGP* баённомаси чегара тармоқлараро баённома. 11. Жуфтликларни ифодаловчи интернет аббревиатуралари 68та бўлиб, улар умумий аббревиатураларнинг 8,8%ни ташкил этади: **BIP** – *Bit Interleave Parity* – *Битлар навбатланиши жуфтлиги* – *Хужжатлар услубияти семантикаси ва спецификасини белгиловчи тил* ва ҳ.к.; 12. Интернет серверлари номлари 107 та бўлиб, 13% га тенг келади: **IIS** – *Initial Graphics Exchange Specification* – *Internet Information Server* – *Интернетнинг ахборот сервери*.

«Интернет терминларининг лексик-семантик ва функционал хусусиятлари» деб номланган бобда интернет терминларининг номинатив функцияси, интернет терминларида метафоризация масалалари тадқиқ қилинган.

Терминлар номинацияси қачон рўй берган бўлишига қарамай, соҳага оид тушунча ўзининг номинациясидан аввал пайдо бўлиши фанда аллақачон исботланган. Бу ҳолат, айниқса, интернет соҳаси учун хослигига шубҳа йўқ. Компьютер технологиялари ва интернет тармоғида вақт ўтган сайин янги турдаги электроник восита, дастурий таъминот, хизмат турларининг яратилиши уларни номлаш заруратини ҳам кун тартибига қўяди. Таъкидлаш керакки, терминлар орқали номинациялаш одатда иккиламчи номинация ҳисобланади, чунки бунда мавжуд тил бирлигининг фонетик қиёфаси янги тил бирлигини ифодалашда ишлатилади. Терминларнинг иккиламчи номинациясининг икки хил тури мавжуд: тўғридан тўғри бевосита номинация; билвосита номинация.

